

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари**

*( 2017 йил 27февраль-4Март)*

**№26**

**Тошкент – 2017**

## **Ўзбекистон Президенти «Женерал Электрик» компанияси вице-президенти қабул қилди**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 март куни АҚШнинг етакчи компанияларидан бири «Женерал Электрик» компанияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллеттни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ишбилармон доираларининг узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қизиқиши ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Яқинда Тошкентда АҚШнинг «Женерал Электрик», «СиЭнЭйч Индастриал», «Катерпиллар», «Ханивелл», «Проктер энд Гэмбл» ва бошқа етакчи компаниялари иштирокида Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг бизнес-форуми муваффақиятли ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон корхоналарининг иқтисодиётнинг турли соҳаларида жаҳондаги етакчи технологик компаниялардан бири бўлган «Женерал Электрик» билан ҳамкорлиги энергетика мажмуи, фуқаро авиацияси ва соғлиқни сақлаш соҳаларини камраб олган.

Учрашув чоғида ушбу компания билан узоқ муддатли, айниқса, юқори технологик тармоқлардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва диверсификация қилиш истиқболлари муҳокама қилинди. Булар электр энергетика, нефть ва газ, электротехника саноати, замонавий тиббий жиҳозлар ишлаб чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишлардаги янги дастур ва лойиҳалардан иборатдир.

Учрашувда мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Рональд Жеймс Поллетт самимий қабул ва икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаётгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, «Женерал Электрик» Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

АҚШ компанияси вице-президентининг мамлакатимиз вазирликлари ва идораларида ўтказган учрашувлари якунида иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида меморандум имзоланди.

## **Ўзбекистон Президенти Россия Ташқи разведка хизмати директорини қабул қилди**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль кун** мамлакатимизга амалий ташриф билан келган **Россия Ташқи разведка хизмати директори Сергей Нарискинни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, мамлакатларимизнинг замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги юксак даражада эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида экстремизм, терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С.Нарискин қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди ва Президент Владимир Путиннинг эзгу тилаklarини етказди.

Россия Ташқи разведка хизмати директори давлатларимиз хавфсизлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларни бажаришдаги ўзаро ҳамкорлик даражасини юқори баҳолади.

## **"Ўзбекистон темир йўллари" 2017 йилда 49 та инвестицион лойиҳани амалга оширади**

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ 2017 йилда 49 та, жумладан "Тошкент механика заводи" АЖ негизида 24 инвестицион лойиҳани амалга оширади.

Лойиҳалар Ўзбекистоннинг 2017 йилга мўлжалланган инвестицион дастури доирасида амалга оширилади.

Компания жорий йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобига 815,76 млн доллар, жумладан давлат бюджетининг 85,34 млн, Ўзбекистон реконструкция ва тараққиёт банкининг 145,17 млн ва жалб қилинган 114,8 млн долларни ўзлаштиради.

Яна 168,07 млн доллар Ўзбекистон ҳукуматининг кафолати билан олинадиган хорижий инвестициялар ҳисобига ўзлаштирилади.

"Ўзбекистон темир йўллари" лойиҳаларни молиялаштириш учун ўз маблағларидан 414,95 млн доллар йўналтиради.

2017 йилда Бухоро-Мискен темир йўли қурилиши, Қарши-Термиз темир йўл қисмини электрлаштириш бўйича ишларни якунлаш, Поп-Наманган-Андижон темир йўл қисмини электрлаштиришни бошлаш, Тошкент метросининг Юнусобод ва Сергели линияларини қуриш, экскаватор ва гусеничали техника таъмирланувчи янги завод қуриш, кўмир брикетларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, Тўрақўрғон

механика заводи ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, иккита тезюрар Talgo-250 электропоездни олиб келиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 27 та локомотив, 1483 та юк вагонини таъмирлаш ва тиклаш, 800 та юк ва 15 та йўловчи вагонини қуриш ҳамда 180 км лик темир йўлни тиклаш мўлжалланган.

## **Ўзбекистон - БМТ: Тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик йўлида 25 йил ҳамкорлик**

Бугун, 2-март куни Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га аъзо бўлганига роппа-роса чорак аср тўлди. Айнан шу куни мазкур глобал тузилманинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида унинг тенг ҳуқуқли аъзоси - мустақил Ўзбекистоннинг байроғи хилпиради.

Ташкилот билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг Ташқи сиёсий фаолият концепциясининг асосий вазифаларидан бири - Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ҳудудига айлантириш ишига муҳим эътибор қаратилади, деб таъкидлаб ўтди “Жаҳон” ахборот агентлиги.

Ўзбекистон БМТнинг глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларида фаол иштирок этиб келади. Президент Ислам Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси ушбу йўналишдаги фаолиятга муҳим улуш бўлиб қўшилди. Маълумки, мазкур таклиф минтақа давлатлари томонидан 2006-йилнинг 8-сентябрида Семипалатинск шаҳрида имзолангани, 2009-йил март ойида минтақанинг қолган барча давлатлари томонидан ратификация қилинганидан сўнг кучга кирди.

БМТнинг терроризмга қарши курашиш бўйича 13 та конвенциясининг барчасида иштирок этаркан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини мазкур офатни бартараф этиш йўлида бирлаштириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши доирасида Аксилтеррор қўмитанинг таъсис этилиши мамлакат раҳбарияти томонидан 1999 йилда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул саммитида таклиф этилган Терроризм билан кураш бўйича Халқаро Марказни яратиш гоясининг натижаси ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида БМТнинг қўллаб-қувватлаши остида Ўзбекистонда глобал даражадаги бир нечта кенг кўламли тадбирлар ўтказилди. Хусусан, 2014-йилда Урганч шаҳрида “Орол денгизи

минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман якунида Орол денгизи ҳавзасида миллий ва минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди ва умумий қиймати 3 миллиард долларга тенг бўлган битимлар имзоланди.

2015-йил сентябрь ойида Барқарор Ривожланиш мақсадлари саммити чоғида Ўзбекистон БМТ шафелигида Орол денгизи ва оролбўйи худуди бўйича трастжамғармасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Бунинг натижасида 2017 йилда БМТнинг бир қатор агентликларида “Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол фожеасидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароити салоҳиятини мустаҳкамлаш” мавзусидаги кенг кўламли лойиҳа ишга туширилди.

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятининг дастлабки 25 йилида барча соҳаларда жадал ривожланди. Мамлакатимизнинг ташкилот доирасида илгари сурган таклиф ва ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан тўла қўллаб-қувватланди ҳамда бутунжаҳон тинчлиги, барқарорлиги ва турғун ривожланишини таъминлашга улкан амалий ҳиссасини қўшиб келмоқда.

### **Сомалида икки кун ичида очликдан 100 дан кўпроқ одам вафот этди**

Сомалида қурғоқчилик сабабли охириги 48 соат ичида камида 110 киши очликдан вафот этди, деб маълум қилди мамлакат бош вазири Ҳасан Али Хайре.

"Ассошиэйтед Пресс" ахборот агентлигининг маълум қилишича, мамлакат ҳукумати 28 февралда миллий фалокат эълон қилгандан кейин ўлганлар ҳақида биринча марта хабар берган. Бош вазир мамлакатнинг жанубидаги Бай вилояти бўйичагина маълумотларни келтирган.

БМТнинг баҳолашича, Сомалининг 5 млн га яқин фуқароси авж олаётган очлик сабабли ёрдамга муҳтож.

### **Афғонистонда ИШИД асирдан 14 киши озод этилди**

Афғонистон ҳукумати Нангарҳор вилоятида ИШИД террорчилик гуруҳи асирдан 14 кишини озод эта олди. Бу ҳақда маҳаллий ҳукуматга иқтибос келтирган ҳолда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар бермоқда.

"40 кун аввал ИШИД жангарилари томонидан Ҳаска Минада ўғирлаб кетилган 12 нафар диний муаллим ва таълим даргоҳининг 2 нафар ходими бугун эрталаб озодликка чиқди", деб айтилди хабарда. Таъкидланишича, озод қилинганлар оилаларига қайтганлар. Асирларни озод қилиш бўйича операция маҳаллий оқсоқоллар ва ҳукумат воситачилигида амалга оширилган.

## **Трамп Москва билан ИШИДга қарши кураш бўйича келишувни ортга суриши мумкин**

АҚШ президенти Дональд Трамп ўз маслаҳатчиларига Россия билан ИШИД террорчилик гуруҳига қарши кураш бўйича келишувни маълум вақт кечиктириб туриши мумкинлигини хабар қилди. Бу ҳақда Associated press маълум қилмоқда.

Хабар қилинишича, бунинг сабаби унинг маъмурияти вакилларининг Россия раҳбарияти вакиллари билан бўлган алоқаларига эътиборнинг ортганидадир.

Таъкидланишича, давом этаётган босим фониди давлат раҳбарининг Россияга қарши бўлган маслаҳатчилари таъсири ҳам ортмоқда.

## **Дунёдаги энг кучли 10 армия**

Credit Suisse маълумотларига кўра, АҚШ армияси маблағлар ва ҳажмининг қисқартирилишига қарамай, дунёдаги етакчиликни сақлаб қолмоқда. У Россия ва Хитойни ҳам ортда қолдирган.

Ҳарбий куч даражасини таҳлил қилишда қуролли кучлар (умумий баллдан 5 фоизи), танклар (10 фоиз), жанговар вертолётлар (15 фоиз), самолётлар (20 фоиз), авиаташувчилар (25 фоиз) ва сув ости кемалари (25 фоиз) сони инобатга олинди. Баҳолаш ҳарбий кучни фақатгина сон жиҳатидан тахмин қилиш имконини берди ҳамда қуроллар ва шахсий таркибнинг ҳақиқий ҳолати эътиборга олинмади. Шу тариқа, рўйхатда баъзи бир давлатларнинг бўлиши биров кутилмаган ҳолат ҳам бўлиши мумкин.

### **3. Хитой**

**Мудофаа бюджети:** 216 млрд доллар

**Шахсий таркиб сони:** 2,333 млн киши

**Танклар:** 9150

**Самолётлар:** 2860

### **Сув ости кемалари: 67**

Хитой армияси сўнгги бир неча ўн йил давомида ҳажм ва имконият бўйича жуда катталашди. У шахсий таркиб сони бўйича дунёдаги энг йирик армиядир. Давлат танклар гуруҳи бўйича (Россиядан сўнг) ҳамда сув ости флоти катталиги бўйича иккинчи (АҚШдан кейин) ўриндадир. Хитой ҳарбий модернизация дастурида ажойиб муваффақиятга эришди, айни дамда эса бир қанча ноёб ҳарбий технологияларни ишлаб чиқмоқда, улар орасида баллистик ракеталар ва бешинчи авлоддаги самолётлар бор.

### **2. Россия**

**Мудофаа бюджети:** 84,5 млрд доллар

**Шахсий таркиб сони:** 766 минг киши

**Танклар:** 15 398

**Самолётлар:** 3429

**Сув ости кемалари:** 55

Россия қуролли кучлари дунё бўйлаб иккинчи ўринни эгаллайди. Мамлакат жаҳондаги энг катта танклар гуруҳига эга бўлиб, ҳарбий-ҳаво кучлари катталиги бўйича иккинчи (АҚШдан сўнг) ва сув ости флоти ҳажми бўйича учинчи (АҚШ ва Хитойдан кейин) ўриндадир. 2008 йилдан бери Кремль ҳарбий харажатлари қарийб учдан бирга кўпайди. Мамлакат Сурияда ҳарбий гуруҳ жойлаштириб, ўзининг тезкорлигини янада яққол намоён этди.

#### **1. АҚШ**

**Мудофаа бюджети:** 601 млрд доллар

**Шахсий таркиб сони:** 1,4 млн киши

**Танклар:** 8848

**Самолётлар:** 13 892

**Сув ости кемалари:** 72

АҚШ бюджетдаги харажатларни камайтириш ҳаракатларига қарамай, мудофаага Credit Suisse индексидаги бошқа тўққиз мамлакатдан кўпроқ маблағ сарфлайди. Америка асосан 10та авиаташувчининг борлиги билан устун туради. Такқослаш учун, иккинчи ўринни Ҳиндистон эгаллайди – мамлакат ўзининг учинчи авиаташувчисини яратиш устида ишламоқда. Шунингдек АҚШда бошқа давлатларга қараганда кўпроқ самолётлар, ҳарбий денгиз флотидаги янги тезкор замбарак каби илғор технологиялар бор. Ядро қуроли ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

## **Россия Бош штаби ва НАТО сўнгги уч йил ичида биринчи марта музокаралар ўтказди**

Россия Бош штати бошлиғи Валерий Герасимов ва НАТО Ҳарбий қўмитаси раиси генерал Петр Павел жума куни музокаралар ўтказишди. Улар НАТО томони ташаббуси билан Россия билан муносабатлар музлатилганидан бери илк бора ўтказилди, деб хабар берди Россия Мудофаа вазирлиги.

Альянс Россия билан муносабатларни бир томонлама музлатиб қўйиш ҳақида 2014 йилнинг апрелида қарор қабул қилди.

"2017 йилнинг учинчи мартада НАТО томони ташаббуси билан Россия Федерацияси Бош штаби бошлиғи – Россия мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари армия генерали Валерий Герасимовнинг НАТО Ҳарбий қўмитаси раиси генерал Петр Павел билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Бу НАТО Кенгаши томонидан Россия билан муносабатларни музлатиш ҳақида қарор қабул қилинганидан бери ҳарбий йўналишдаги олий даражада бўлган илк алоқадир", - дейилади хабарда.

Томонлар мулоқот давомида хавфсизлик муаммолари, ҳарбий йўналишдаги ўзаро ҳаракатларни тиклаш истиқболлари, Россия мудофаа маҳкамаси томонидан ўтказилаётган халқаро тадбирлардаги альянс вакилларининг иштироки ва улар иштирокидаги ҳодисаларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Хабарда таъкидланишича, Россия Бош штаби бошлиғи суҳбатдоши эътиборини Шимолий Атлантика иттифоқининг Россия чегаралари яқинидаги ҳарбий фаоллиги ортиши билан боғлиқ мавжуд ташвишларга қаратди.

Шунингдек Герасимов уни Россия мудофаа вазирлиги 2017 йилда ўтказишни режалаштирган муҳим халқаро тадбирлар ва машқлар ҳақида хабардор этган.

"Томонлар Европадаги кескинликни камайтириш ва вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирилган ўзаро қадамлар кераклигини тасдиқлашди. Армия генерали В.В. Герасимов ва генерал П. Павел бундай алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар", - дея қўшимча қилиб ўтишган Россия мудофаа вазирлигида.